

IX синф ўқувчиларининг она тили (қирғиз, рус, ўзбек, тожик) дан якуний давлат аттестациясини ўтказиш бўйича инструкторив-методик тавсиянома

Қирғизистон Республикаси билим ва фан министрлигининг №939/1 11 март 2023 йил буйруғига мувофиқ IX синф ўқувчиларининг она тили ва адабиётдан якуний давлат аттестацияси (ЯДА) матн устида ўз шахсий аналитик мулоҳазаларини қамраган иншо элементли баён шаклида ўтказилади.

ЯДА қонун-қоидаларига мувофиқ 9 – синфда имтиҳон ўтказиш учун 4 астрономик соат вақт ажратилади. Ўқувчиларга имтиҳон вақтида (15-20) дақиқа вақт танаффус учун берилади. Тайёргарлик тадбирлари учун ажратилган вақт (инструктаж/ кўрсатма, матнларни тиражлаш) ва танаффус вақти имтиҳон муддатига кирмайди.

Якуний баён ўтказиш тартиби

Ўқувчилар имтиҳон бошланишига 15 дақиқа қолгунга қадар ўтказиладиган жойга кеч қолмай келишлари шарт.

Якуний баён бошлангунга қадар билим берув ташкилотининг предмет комиссия аъзолари ўқувчиларга иншо элементли баённи ёзиш тартиби, давом этиш муддати, тартиб ва шакли, натижаларни эълон қилиш жойи ва вақти ҳақида кўрсатма берадилар.

Ўқувчиларни якуний баён ўтказиладиган синф хоналарига киритиш имтиҳон бошланишига 15 дақиқа қолганда бошланади. Ўқув хонасида ўқувчилар партада ихтиёрий, эркин тартибда ўтиради (иш столида биттадан ўқувчи).

Агар ўқувчи кеч қолиб келса, якуний баён ёзишга киритилади, бироқ ёзишни якунлаш муддати узайтирилмайди. Кеч қолувчи ўқувчилар учун қайта кўрсатма берилмайди.

Ўқувчилар аввал қораламага ёзади, сўнгра мактаб штампи босилган, шаҳар ва маҳаллий билим берув органлари вакилларининг имзолари қўйилган варақларга кўчириб ёзадилар. Қоралама варақдаги ёзувлар таҳлил қилинмайди ва текширилмайди.

Билим берув ташкилотининг якуний баён ўтказиш бўйича предмет комиссия аъзолари ёзув учун ўқувчиларга мактаб штампи босилган, шаҳар ва территориал билим берув органлари вакилларининг имзолари қўйилган варақлар, қораламалар, орфографик ва изоҳли луғатлар тарқатадилар.

Билим берув ташкилотининг предмет комиссия аъзоси предмет комиссия раҳбаридан баён матнини қабул қилиб олади. Ўқувчилар учун кўрсатма ҳар бирига алоҳида варақларга кўпайтирилиб берилади ёки проектор орқали доскада намойиш этилади.

Предмет комиссия аъзоларининг кўрсатмасига биноан ўқувчилар титул варақларни тўлдирди ва баён матнининг мавзусини ёзадилар.

Билим берув ташкилотининг якуний баён ўтказиш бўйича предмет комиссия аъзолари кўрсатма бериб бўлгач, якуний баён ёзиш бошлангани, давом этиш муддати, якунланиш вақти доскага ёзиб қўядилар, шундан сўнг ўқувчилар ёзишга киришадилар.

Ўқувчига баён ёзиш учун варағи етмай қолган ҳолда, унинг талабига биноан қўшимча варақ берилади.

Якуний баён ўтказилаётган вақтда ўқувчиларда алоқа воситалари, фото, аудио ва видеоаппаратура, маълумот берувчи адабиётлар, ёзма материаллар ёки бошқа ахборот ўтказувчи воситаларнинг бўлиши ман этилади.

Якуний баённи муддатидан илгари ёзиб битирган ўқувчилар ёзма варағи, қораламасини топширади ва билим берув ташкилотини эълон қилинган вақтни кутмай тарк этадилар.

Якуний баённи ёзиш учун белгиланган муддат битгач, билим берув ташкилотининг якуний баён ўтказиш бўйича предмет комиссия аъзолари ёзув вақти битганини эълон қилади ва ўқувчилардан ёзма варақ ҳамда қораламаларини йиғиб оладилар.

Ишларни текшириш қуйида тавсия этилган баҳолаш критерийлари асосида амалга оширилади:

Баёни баҳолаш критерийлари

Баёнинг мазмуни ва нутқий безагини баҳолаш критерийлари				
Баҳо	5	4	3	2
1. Баёнинг мазмуни	Ўқувчи тингланган матннинг асосий мазмунини барча ўзи учун муҳим микоромавзуларни идрок этгиб, кўрсатиб бера олган, <i>фактик хатолар йўқ.</i>	Ўқувчи тингланган матннинг асосий мазмунини кўрсатиб бера олган, <i>бироқ 1 микромавзуда камчиликка йўл қўйган.</i>	Ўқувчи тингланган матннинг асосий мазмунини кўрсатиб бера олган, <i>бироқ 2 микромавзуда камчиликка йўл қўйган.</i>	Ўқувчи тингланган матннинг мазмунини қисман кўрсатиб бера олган, <i>бироқ 2 дан ортиқ микромавзуда камчиликка йўл қўйган.</i>
2. Мазмуний бутунлик, нутқий раволик ва баёнинг изчиллиги.	Ўқувчининг иши мазмуний бутунлиги, нутқий раволиги ва баёнинг изчиллиги билан ажралиб туради: - мантиқий хатолар йўқ; - баёнинг изчиллиги бузилмаган; - ишда матннинг қисмларини абзац ажратиш бўйича хатолар (камчиликлар) йўқ.	Ўқувчининг иши мазмуний бутунлиги, нутқий раволиги ва баёнинг изчиллиги билан ажралиб туради, <i>бироқ 1 мантиқий хатого йўл қўйилган ёки унда матннинг қисмларини абзац ажратиш бўйича 1 хато (камчилик) мавжуд.</i>	Ўқувчининг ишида <i>2 мантиқий хатого йўл қўйилган ёки унда матннинг қисмларини абзац ажратиш бўйича 1-2 хато (камчилик) мавжуд.</i>	Ўқувчининг ишида <i>2 дан ортиқ мантиқий хатого йўл қўйилган ёки унда матннинг қисмларини абзац ажратиш бўйича 2 дан ортиқ хато (камчилик) мавжуд.</i>
3. Иншо элементлари	Иншо элементларида топшириққа киритилган барча саволларга жавоб берилган; жавоблар мисоллар билан изоҳланган, (тушунтирилган); ўқувчи билдирган барча ғоялар бир-бири билан ўзаро боғланган.	Иншо элементларида топшириққа киритилган саволларга жавоб берилган; жавобларнинг айримлари мисоллар билан изоҳланган, (тушунтирилган); ўқувчи билдирган барча ғоялар бир-бири билан ўзаро боғланган	Иншо элементларида топшириққа киритилган саволларга жавоб берилган, бироқ ўқувчи мулоҳазалари мисоллар билан тасдиқланмаган.	Иншо элементларида топшириққа киритилган саволларга жавоб берилмаган
4. Луғатнинг ранг-баранглиги ва нутқнинг грамматик қурилиши	Иш луғатнинг бойлиги, қўлланилган синтактик конструкцияларнинг хилма-хиллиги, сўзларни тўғри ва аниқ қўлланилганлиги билан ажралиб туради; услубий бирлик ва матннинг ифодалилигига эришилган; ишда нутқий нуқсонлар йўқ.	Нутқнинг лексик ва грамматик қурилиши етарли даражада хилма-хил; иш услубий бирлиги ва етарли ифодалилиги билан ажралиб туради; ишда 2 дан кам бўлмаган нутқий нуқсонларга йўл қўйилган.	Луғати ночор, қўлланилган синтактик конструкциялар бир турли, ноўрин қўлланилган сўзлар учрайди; иш услубий бирлиги билан ажралмайди, нутқ етарли даражада ифодали эмас; ишда 5 дан кўп бўлмаган хатоларга йўл қўйилган	Иш бир-бирига боғланмай ифодаланган қисқа, бир турдаги гаплар билан ёзилган, ноўрин қўлланган сўзлар тез-тез учраб туради; матннинг услубий бирлиги бузилган; 5 дан ортиқ нутқий хатоларга йўл қўйилган.
5. Иншо элементининг қўламли	80 - 100 сўз.	60 -79 сўз.	40 - 59 сўз.	40 дан кам сўз.

Баён матнининг саводхонлигини баҳолаш нормалари

«5» баҳо	1 пунктуацион ёки 1 грамматик хатога йўл қўйилган
«4» баҳо	Йўл қўйилади: <ul style="list-style-type: none">• 2 имло / орфографик ва 2 тиниш белгисини қўйишда / пунктуацион хато;• 1 орфографик ва 3 пунктуацион хато;• Орфографик хатолар мавжудлигида 4 пунктуацион ва 2 грамматик хато.
«3» баҳо	Йўл қўйилади: <ul style="list-style-type: none">• 4 орфографик ва 4 пунктуацион хато;• 3 орфографик ва 5 пунктуацион хато;• Орфографик хатолар мавжудлигида 7 пунктуацион ва 4 грамматик хато.
«2» баҳо	Ўқувчи томонидан “3” баҳода кўрсатилган талаблардан кўп орфографик, пунктуацион ва грамматик хатоларга йўл қўйилган.

Яқуний баён учун матнлар

Яқуний баён матнлари матн танлаш критерийларига мувофиқ мос келган ва министрлик томонидан тасдиқланган.

- матн 200 дан 450 тагача сўздан иборат;
- матн мазмуний яқунланган (одатдагидек, масалага мувофиқлаштирилган бадий асардан лавҳа) бўлади;
- матн аниқ сюжет ифодаланган ривоя (тасвир, муҳокама устун бўлмаган; кенг ёйилган монолог ва диалоглардан таркиб топмаган, бир неча репликаларгагина йўл қўйилган) бўлади;
- ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келган (матнлар ўта мураккаб, ўта содда эмас);
- ижобий тарбиявий аҳамиятга эга;
- **Ахлоқий ва адекват ҳолатни акс эттирувчи бўлиб (матн саломатлиги туфайли имконияти чекланган қатнашувчиларни камситмаслиги, натуралистик тафсилотлар билан психологик жароҳат етказмаслиги, ўта фожиавий бўлмаслиги даркор.)**

Баён ёзиш учун тавсиялар

1-топшириқ. Матнни тингланг

Матнни биринчи марта тинглагандан сўнг қуйидаги қадамларни бажаринг:

- ✓ Матннинг мавзусини аниқланг (матн нима ҳақида?)
- ✓ Асосий ғояни шакллантиринг (матн нимага ўргатади?)
- ✓ Матннинг услуби ва нутқнинг типини, матн тузилишининг ўзига хосликларини аниқланг (ривоя матнда – воқеанинг бошланиши, унинг ривожини, сюжетнинг энг кескин ўрни, ниҳояси; тасвир матн – нутқ предмети ва унинг аҳамиятга молик белгилари; муҳокама – умумий ҳолат, аргументлар, исбот, хулоса).
- ✓ Ҳар бир қисмнинг микромавуларини ажратиб, сарлавҳа қўйиб, матннинг муфассал режасини тузинг.
- ✓ . Калит сўзларни ёзишга жой қолдириб, режанинг пунктлари номларини ёзинг. Иккинчи маротаба тинглаётганда, ҳар бир микромавуларнинг калит сўзларини ёзинг.

Сўнгра, ҳар бир қисмнинг ихчам баёнини ёзинг, яхлит матн ҳосил бўлиши учун уларни бир-бири билан боғланг.

БАЁН МАТНИ

НУҚТАИ НАЗАР

(ҳикоят)

Қадим замонларда бир доншиманд бўлган экан. Унинг шогирдлари орасида ҳамиша ҳар бир нарсада фақат ёмонликнигина кўрадиган ўқувчиси бор экан. У, ўз назарида, унга жуда шафқатсиз бўлаётган, фақатгина кўнгилсизликлар кўрсатаётган ҳаётдан ҳамиша нолир эди.

Кунлардан бир кун кекса донишманд унга:

— Бу хонани кўздан кечириб, қараб чиқ ва ундан барча жигар рангли нарсаларни топ, - дебди. Ўқувчи ҳамма ёқни кўздан кечириб чиқди. Хонада жуда кўп жигар рангли буюмлар: пардадеворнинг ёғоч ромлари, чой ичиш учун ёғоч анжомлар, пардалар учун карниз, китоб муқовалари ва яна турли майда-чуйдалар бор эди.

— Ана энди кўзларингни юмиб, барча ҳаво ранг нарсаларни ... санаб чиқ, - деди донишманд. Ёш йигит саросимага тушиб қолди:

Ахир мен ҳеч нарсани кўрмадим! Шунда устози:

— Кўзларингни оч. Энди қара, бу ерда қанча кўп ҳаво ранг буюмлар! – деди.

Бу ҳақиқат эди: ҳаво ранг гулдон, ҳаво ранг чойнак ва пиёла, полдаги ҳаво ранг бўйра, сочиқлар.

— Бироқ бу хийла - ку! Ахир мен сизнинг кўрсатмангиз билан ҳаво ранг буюмларни эмас, жигар рангли нарсаларни қидирдим! Донишманд секингина хўрсиниб, кейин жилмайди.

— Мен айнан мана шуни кўрсатмоқчи эдим! Сен фақат жигар рангни қидирдинг ва фақатгина уни топдинг. Ҳаётда ҳам сен билан шундай ҳодиса содир бўлмоқда: сен қидиряпсан, фақат ёмонлик топмоқдасан ва кўз ўнгингдан яхшилиқни ўтказиб юборяпсан!

— Мени ҳар доим ёмонликни кутиш кераклигига ўргатишган, шунда сен ҳеч қачон умидсизликка тушиб қолмайсан. Агар ёмонлик содир бўлмаса, унда мени кутилмаган хушxabар кутади. Агарда, мен ҳар доим яхшилиқка ишониб қолсам, унда ўзимни умидсизлик хавфига солиб қўйишимиз мумкин!

2 - топширик. Қуйидаги саволларга таяниб, тингланган матн бўйича ўз нуктаи назарингизни ифодаланг.

1. Нима деб ўйлайсиз, ўқувчи - талаба донишманднинг маслаҳатига қулоқ соладими? Нима учун сиз шундай деб ўйлаяпсиз?
2. Сизга қайси, донишманд ёки унинг ўқувчисининг нуктаи назар яқинроқ?

Яқуний баёнга тайёрланиш методикаси

Яқуний баёнга нутқий кўникма ва малакаларни шакллантириш учун тайёргарлик мактабда бутун ўқув йиллари мобайнида мунтазам режали иш олиб боришни кўзда тутади.

Берилган мавзуга боғланишли матн яратиш кўникмаларини шакллантиришга дарсда катта эътибор бериш даркор. Тайёр матнларни турли нуктаи назардан таҳлил қилиш зарур: матннинг коммуникатив вазифаси (матндан асосий ахборот ва микромавзуларни ажратиш), мантикий ва композицион ғоя, луғат танлаш, сўзларни тўғри қўллаш, риторик усуллар ва бошқалар.

Ўқув жараёнида ўқувчиларга мунтазам баён ёзишни машқ қилдириш, матнни диққат билан ўқиш, матннинг ҳар бир қисмидаги барча микромавзуларини ажратиш, бўлгуси баённинг содда режасини тузишни ўргатиш зарур. Ўқувчиларни ўзларининг шахсий баёнини таҳлил ва таҳрир қилишга, унинг кучли ва заиф томонларини баҳолашга ўргатиш керак.

Яқуний баён ёзаётган 9-синф ўқувчилари ишнинг ўтказилиш процедураси (тартиби), унинг бажарилиш усуллари, матннинг хусусиятлари ва бажарилган ишнинг баҳолаш критерийлари билан олдиндан танишган бўлиши керак.

Иншо элементли баён устидаги ишнинг асосий босқичлари:

- 1) матнни ўқиш,
- 2) луғат устида ишлаш,
- 3) баённинг режасини тузиш,
- 4) қоралама вараққа баён ёзиш,
- 5) хатолар устида ишлаш,
- 6) баённи оққа қайта кўчириш;
- 7) иншо элементини қораламага ёзиш;
- 8) иншо элементини оққа қайта кўчириш.

Баён ёзишга ўргатиш жараёнини пухта ўйлаб ташкил қилмоқ керак.

Аввал ўқувчини ўқилган матнни қайта ҳикоя қилишга ўргатиш зарур. Қуйида берилган усуллар мана шу мақсадда қўлланилади.

1. Матннинг режасини тузиш, қисмларга ажратиш, ҳар бир қисмда қанча гап борлигини аниқлаш.

2. Қисмлар бўйича қайта ҳикоя қилиш. Бу иш ўқувчини матннинг маъносини тушунмай ёдлаб олиши учун эмас, балки баён ёзишни ўргатиш учун ўтказилади (бир ёки бир неча ўқувчига матннинг бир қисмини қайта ҳикоя қилдириш ёки фақат бир қисмини ёзиш таклиф қилинади, бошқалар фақат иккинчи қисмини қайта ҳикоя қилади; сўнгра алмашадилар).

3. Матннинг қисмларини боғловчи ва унга изчиллик берувчи “ўтиш гаплар”ни қўллаш. Бунинг учун ўқитувчи қуйидаги гапларни ёзиб қўяди, масалан: Бу воқеага қадар мана шундай бўлган эди Агар аввал у бундай бўлган бўлса ... ; Аммо у ... бўлгандан кейин содир бўлган.

4. Сабаб ва натижани ажрата олувчи малакаларини шакллантириш, масалан: *Мен зонт олиб олдим, сабаби кўчада ёмғир ёгаётган эди.*

5. Иш-ҳаракатнинг замони ўзгариши билан боғлиқ бўлган хатоларнинг олдини олувчи иш.

Ўқитувчи ўқувчининг диққатини матндаги замон билан боғлиқ белгиларга қаратиши лозим. Бунинг учун қуйидаги саволлар тавсия этилади. Айтингчи, бу воқеа қачон содир бўлган экан? Ёзда бўлганми? (*Баҳордами, қишдами ва бошқалар*). Воқеа куннинг қайси пайтида содир бўлган? Кундузидами? (*Эрталабдами, оқшомдами ва бошқалар*).

Баён устида ишлашнинг ҳар бир этапи учун ажратилган вақтдан келиб чиқиб: матн устида ишлаш – 40 минут; режа тузиш – 15 минут ва ҳақозо, ўқувчиларни баён матни устида ишлашда вақтни тўғри тақсимлашга ўргатиш зарур.

Дарсада баён устида ишлашнинг асосий усуллари

1. Ўқитувчи томонидан матнни ўқиб берилиши. Ўқиш олдидан ўқитувчи матнни фаоллик билан идрок этишга йўналтирувчи кўрсатма беради (матннинг мавзусини, асосий ғоясини аниқлаш), ўқувчининг диққатини матн қандай номланганига эътибор қаратади.

2. Матн ўқиб бўлингач, ўқувчилар матннинг мавзуси, асосий ғоясини аниқлайдилар, керак бўлса ўзлари сарлавҳа қўядилар.

3. Луғат билан ишлаш. Ўқувчилар матнни мустақил равишда ўқийдилар ва уларда қийинчилик уйғотган сўз, ибора ва сўз бирикмаларини аниқлайдилар. Тушунтириш ва изоҳлаш учун турли: изоҳли, синонимлар, фразеологизмлар луғатларидан фойдаланилади. Сўзларга синонимлар танланади, ибора ва сўз бирикмалар билан алмаштирилиб қўлланилади.

4. Матннинг мазмуни бўйича суҳбат ёки изоҳли ўқиш.

5. Матн структурасининг таҳлили (матн қисмларининг миқдори аниқланади, ҳар бир қисмнинг микромавулари ажратилади, асосий ғоя шакллантирилади).

6. Ўқитувчи билан бирга ёки мустақил равишда текширилиши шарт бўлган режа тузиш. Режа оддий, мураккаб, саволлар тарикасида бўлиши мумкин. Саволли режа кўплаган айрим ҳолларда учрайдиган саволлардан тузилади (саволлардан келиб чиққан ҳолда гапни хатосиз тузиши мумкин).

7. Орфография/имло ва пунктуация/ишора устида иш. Нотаниш ёки қийин сўзларнинг ёзилишини тушунтириш. Қўшма гап ва кўчирма гапларни топиш ва ёзиб олиш, уларда тиниш белгиларининг қўйилишини тушунтириш зарур. Диалогларга эътибор қаратиш керак. Албатта ўқувчиларга бошқарувли феълли бирикмалар тузишда ёрдам кўрсатиш керак, масалан: (*қаерга?*) ... *бормоқ*, (*нима билан?*) ... *билан кўрсатмоқ*, (*кимни?*) ... *танлаш*,

8. Баёнга тайёргарликни уй вазифаси тарзида уйга бериш мумкин.

9. Баённи текшириб бўлгач, хатолар устида иш олиб борилади (типик хатолар таҳлил қилинади ва грамматик хатолар таҳлил қилиниб, тузатилади).